

УЎК 378.046.4

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Е.К.Султанов – техника фанлари номзоди, доцент

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Таянч сўзлар: профессионал таълим, малака ошириш, очик ўқув машғулоти, маҳорат дарслари, ўқувчилар билан ишлаш, семинар-тренинглар, мустақил тажриба орттириш.

Ключевые слова: профессиональное обучение, повышение квалификации, открытые занятия, мастер-классы, работа со студентами, семинар-тренинг, самостоятельная практика.

Key words: professional education, internships, open-classes, master-classes, work with students, seminar-trainings, independent practice.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини замонавий таълим стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2021 йили 26 февралдаги «Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 106-сон қарори [1] қабул қилинди.

Ўзбекистонда профессионал таълимни ислоҳ қилишнинг зарурий шарти ва асосий масалаларидан бири-бу педагогларнинг касбий компетенцияларини ошириш, ҳазирги замон талабларига жавоб берадиган муҳандис-педагогларни тайёрлашдир. Бу ишларни амалга оширишда хорижий инвестицион лойҳаларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Хусусан улар таълим интеграциясини йўлга қўйишда, мамлакатимизда профессионал таълими муассасалари ходимлари малака ошириш тизимини ривожлантириш ишга катта ҳисса қўшмоқталади. Бунга педагог кадрларимизнинг ривожланган мамликатлар малака ошириш тизимини урганиб келаётгани ва унинг амалий натижалари [3] ёққал мисол бўла олади.

Германия давлати профессионал таълими тизими педагог ходимларининг малакасини ошириш мослашувчан характерга эга бўлиб, махсус академияда, университетларида, корхоналарда, ҳудудий тренинг марказларида ва профессионал таълим муассасаларида ташкил этилади. Малака ошириш курслари «қуйидан юқорига» тамоилига асосланган бўлиб, педагогларининг эҳтиёжларига кўра ташкил этилади. Педагогларнинг малака ошириш курсларига бориши ихтиёрий. Ўқув йили давомида ҳар бир педагог малака ошириш курсга 12 кун қатнашиш ҳуқуқига эга. Малака ошириш вақти ва жойи таълим муассасаси раҳбари билан келишилган ҳолда педагогнинг ўзи белгилайди.

Германия давлати малака оширишнинг қуйдаги шакллари мавжуд.

«Каскад» модели. Аксарият профессионал таълими муассасалари педагоглари малака оширишнинг «Каскад» шаклини маъқул кўришади. Каскаднинг маъноси шундаки, малака ошириб келган педагог ўз билимларини ва малакасини бошқа ҳамкасбларига [2] ўргатади.

Академия ва институт курслари. Ҳар бир «Ер» ўзининг малака ошириш академияси ва институтига эга. У ерда педагоглар янги таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, ўқитишнинг янги методикалари, педагогика, психология, дидактика, хорижий тил, компьютер технологиялари, таълим воситалари буйича малака оширади.

Бу ердаги курслар асосан қисқа муддатли бўлиб, ўқув материалларининг ҳажмига кўра ярим кундан, то беш кунгача давом этади. Академия ва институтлар профессионал таълими муассасалари билан узвий алоҳида фаолият кўрсатади. Таълим муассасалари ўқитувчиларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжлари мунтазам ўрганилади. Уларнинг эҳтиёжлари асосида курснинг ўқув материаллари ишлаб чиқилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Академия ва институтларда доимий штатда ишлайдиган профессор-ўқитувчилар муассасалари ҳамда корхоналардан (илғор педагоглар ва малакали мутахассислар) жалб қилинади.

Касбий малака ошириш курслари. Германияда профессионал таълими муассасаси ўқитувчиси (айниқса, касбий таълими ўқитувчиси)нинг малакасини мунтазам равишда ошириб боришга алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир профессионал таълими муассасаси корхона билан мустаҳкам алоқада бўлиб (дуал тизимнинг моҳияти ҳам шунда), ишлаб чиқаришдаги техника ва технологиялар ўзгариши билан ўқув жараёни мазмунига ҳам ўша заҳоти ўзгартириш киритилади. Ўқитувчилар ушбу ўзгаришлардан ўз вақтида бохабар бўлишлари учун махсус малака ошириш курслари ташкил этилади. Йирик корхоналар мазкур курсларни ўз базасида ташкил этади, кичик корхоналар эса Германияда кенг тарқалган ҳудудий тренинг марказларида ўқитувчиларнинг янги техника ва технологиялар бўйича малакасини оширади.

Мактаб базасида ташкил этиладиган курслар. Мазкур малака ошириш курслари асосан таълим муассасаси томонидан академия ва университетлар ходимлари кўмагида ташкил этилади. Улар ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига асосланган қисқа муддатли курслардир. Ушбу курслар курслар кўпирок ҳафта якунида ўтказилиб, унда таълим муассасасининг барча педагоглари иштирок этиши мумкин. Таълим муассасаси базасида ташкил этиладиган малака ошириш курслари қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади. Ўқитишнинг янги методлари ва ўқув дастурлари мазмунини билан танишиш, ўқитувчиларнинг иш фаолияти учун зарур бўлган педагогик, психологик, дидактик ва махсус билимлар ва малакаларни ўрганиш, янги киритилган ёки қўшма ўқув предметини ўрганиш, умумий ижтимоий муаммолар. Таълим муассасаси базасида ташкил этиладиган малака ошириш курслари ҳар томонлама қулай ва бошқа курсларга нисбатан кам маблағ талаб этади.

Корреспонденция курслари. Ушбу курслар масофавий таълимнинг бир кўриниши бўлиб, ўз-ўзини ўқитиш дастури асосида ёзишмалар (корреспонденциялар) орқали мустақил малака оширишни кўзда тутди. Курс ўқув материаллари Германия корреспонденция курслари институти томонидан малака оширишга бўлган эҳтиёжлар асосида ишлаб чиқилади. Ҳоҳлаган ўқитувчи мазкур курсларда ўқиши мумкин. Корреспонденция

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ва Германия давлатида профессионал таълими педагогларининг малака ошириш тизими [4]

Ўзбекистон Республикасида малака ошириш	Германия давлатида малака ошириш
Мустақил малака ошириш -очиқ ўқув машғулоти ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; -ўқувчилар билан ишлаш, семинар-тренинглар ташкил этиш; -илмий конференцияларда маърузалар билан иштирок этиш ёки илмий журналларда мақолалар чоп этиш; -газета, журнал ва Интернет ахборот тармоғи орқали мақолалар чоп этиш; -кўргазма ва танловларда иштирок этиш; мустақил тажриба ортириш; -ўқув адабиётларини (шу жумадан ҳаммуаллифликда дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма, электрон дарслик) тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; -муаллифлик инновацион ишланмаларини амалга ошириш.	“Каскад” модели -малака ошириб келган педагог ўз билимини ва малакасини бошқа ҳамкасбларига ўргатади. Академия ва институт курслари - У ерда педагоглар янги таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, ўқитишнинг янги методикалари, педагогика, психология, дидактика, хорижий тил, компьютер технологиялари, таълим воситалари бўйича малака оширади. Касбий малака ошириш курслари - Йирик корхоналар мазкур курсларни ўз базасида ташкил этади, кичик корхоналар эса Германияда кенг тарқалган ҳудудий тренинг марказларида ўқитувчиларнинг янги техника ва технологиялар бўйича малакасини оширади. Мактаб базасида ташкил этиладиган курслар - Мазкур малака ошириш курслари асосан таълим муассасаси томонидан академия ва университетлар ходимлари кўмағида ташкил этилади. Улар ўқитувчиларнинг эҳтиёжларига асосланган қисқа муддатли курслардир. Корреспонденция курслари - Ушбу курслар масофавий таълимнинг бир қўриниши бўлиб, ўз-ўзини ўқитиш дастури асосида ёзишмалар (корреспонденциялар) орқали мустақил малака оширишни кўзда тутди. Масофавий таълим курслари -Масофавий таълим курслари Германияда малака оширишнинг замонавий шакли бўлиб, у эндигина ривожланмоқда ва корреспонденция курсларининг ўрнини эгалламоқда.
Муқобил малака ошириш Сўнги уч йилда бажарилган ишлар ҳисобидан қуйидагича амалга оширилади: -муаллиф сифатида дарслик ёки ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; -халқаро ёки республика миқёсида ўтказиладиган кўргазма ва танловларда ўзи ёки раҳбарлигидаги ўқувчиларининг совринли ўринларни эгаллаш; -хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ (давомийлиги камида 20 кун); -докторлик (PhD, DSc) диссертациясини ҳимоя қилиш ёки илмий раҳбарлигида камида битта DSc ёки PhD даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилинганлиги; -патент гувоҳномасига эга бўлиш.	

курслари бошқа малака ошириш курсларига нисбатан қимматроқ бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда камроқ қўлланилади.

Масофавий таълим курслари. Масофавий таълим курслари Германияда малака оширишнинг замонавий шакли бўлиб, у эндигина ривожланмоқда ва корреспонденция курсларининг ўрнини эгалламоқда. Малака ошириш муассасалари ходимларнинг фикрича, кўпчилик ўқитувчилар ишдан ажралмаган ҳолда яшаш жойида ўз малакасини оширишни маъқул кўрадилар. Ушбу эҳтиёжни масофавий таълим орқали қондириш малака ошириш академиялари ва институтлари томонидан амалга оширилади.

Малака ошириш борасидаги хорижий тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш ва уларни Ўзбекистонга мослаштириш ва жорий этиш имкониятларини аниқлаш зарур. Чунки малака ошириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни мамлакатимиз малака ошириш тизимига татбиқ қилиш учун имкониятлар мавжуд. Бу малака ошириш тизимидаги янгиликларнинг ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қўвватланиши, олий таълим муассасалари қошида малака ошириш факультети ва марказларининг ташкил этилганлиги, халқаро лойиҳалар билан малака ошириш бўйича ҳамкорлик, Германия InWEnt ташкилоти билан мустаҳкам алоқа мавжудлиги, халқаро лойиҳалар доирасидан тренер ва мультипликаторлар тайёрланганлиги [3], профессионал таълимни замонавий жиҳозлари билан таъминланганлиги ва бошқалар билан боғлиқ.

Германия давлатидаги малака ошириш курси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги педагогларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш меъёрий ҳужжатлари таҳлили кўрсатади, республикамызда фан ва техниканинг ривожланиши билан ҳар бир янгилик педагог ходимга янги малака

билан ишлашни ва шу боис малака ошириш кераклигини кўрсатади. Профессионал таълимнинг асосий мақсади, ёш авлодни малакали мутахассис этиб, иш ўрнининг асосида тайёрлаш бўлиб ҳисобланади. Профессионал таълим муассасаси фан ва техника тараққиётига эътибор берган ҳолда мутахассисларни тайёрлайди. Техника ривожланиши билан ундаги янгиликлар асосида педагогларнинг малакасини ошириш сўзсиз бажарилиши керак. Фандаги ютуқлар мутахассис тайёрлашда профессионал таълим муассасасининг йўналишлар бўйича ўқув режасига илмий-педагогик кенгаш қарорига асосан ўзгартиришлар киргизишни вақт-вақти талаб этилади.

Малака оширишнинг асосий вазифаси профессионал таълим муассасалари бошқарув ҳамда педагог кадрларининг касбий билим, қўникма ва малакаларини узлуксиз янгиллаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ профессионал таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни амалга оширишдан иборат. Ушбу вазифадан келиб чиқиб қуйдаги ҳоласаларни тақлиб этамиз.

1. Малака ошириш курсларидан босқичма-босқич эҳтиёжга асосланган ихтиёрий малака ошириш курсларига ўтиш.

2. Олий таълим муассасалари қошида ташкил этилган малака ошириш курсларига касбий компетенцияга эга профессионал таълими муассасалари педагогларини ўқитувчи-тренер сифатида жалб этиш.

3. Касбий (янги техник ва технологиялар бўйича) малака ошириш курсларини халқаро лойиҳалар томонидан профессионал таълим муассасаси базасида ҳудудий тренинг (ташкил этилиши зарур бўлган) марказларига кўчириш ҳамда уларга расмий мақом бериш.

4. Хорижда малака ошириб келган педагог ва мухандис-педагоглар, шунингдек, халқаро лойиҳалар томонидан тайёрланган тренерлар ва мультипликаторлар малакасида унумли фойдаланиш. Уларнинг профессионал таълим муассасаларда малака ошириш

тадбирларини ўтказилишини режалаштириш ва ташкиллаштириш.

5. Мультипликаторлар иштирокида амалга оширилаётган малака ошириш тадбирларини режалаштиришда мониторинг маълумотларини таҳлил қилиш унинг самарали бўлишига мезон бўлади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2021 йили 26 февралдаги «Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 106 сон қарори.

2. Йениш В. Планирование и организация мероприятий по повышению квалификации. Учебный центр общество InWEnt. - Маннгейм: 2007.

3. Доктор Х.Хабиб. Конкретизация и трансфер. Учебный центр общество InWEnt. -Маннгейм: 2006.

4. Султанов Е., Раззаков А. Малака ошириш тадбирларини мазмуни, методик ва ташкилий режалаштириш. Учебный центр общество InWEnt. -Маннгейм: 2007. –С.47.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда профессионал таълимнинг ислох қилишнинг зарурий шарт ва асосий масалаларидан бири-бу педагогларнинг касбий компетенцияларини ошириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мухандис-педагогларни тайёрлашдир. Хорижий тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш ва уларни Ўзбекистонга мослаштириш ва жорий этиш имкониятларини аниқлаш зарур. Чунки малака ошириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни мамлакатимиз малака ошириш тизимига татбиқ қилиш учун имкониятлар мавжуд.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изучаются необходимые условия и ключевых вопросов реформирования профессионального образования в Узбекистане является повышение профессиональных компетенций учителей в сфере подготовки инженеров-преподавателей, отвечающих современным требованиям. Необходимо провести углубленный анализ зарубежного опыта и выявить возможности его адаптации и внедрения в Узбекистане. Потому что есть возможность применить передовой зарубежный опыт в повышении квалификации в системе повышения квалификации в нашей стране.

SUMMARY

In this article, one of the necessary conditions and key issues of reforming vocational education in Uzbekistan is to increase the professional competencies of teachers, the training of teaching engineers who meet modern requirements.

It is necessary to conduct an in-depth analysis of foreign experience and identify the possibilities of its adaptation and implementation in Uzbekistan. Because there is an opportunity to apply advanced foreign experience in professional development in the advanced training system in our country.

NOGIRON BOLALARDAGI MOTORLI MOSLASHUVNING FIZIOLOGIK PARAMETRLARI

A.Q.Utepbergenov – *biologiya fanlari nomzodi, dotsent*

A.K.Bekmurzaev – *assistent o'qituvchi*

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: harakatga moslashish, harakatlanish, fiziologiya, nogiron bolalar, tayanch-harakat tizimi. funktsional moslashish.

Ключевые слова: адаптироваться к действию, двигаться, физиология, дети с ограниченными возможностями, система базового движения, функциональная адаптация.

Key words: action adoption, movement, physiology, children with disabilities, basic motion system, functional adaptation.

Mushak-skelet tizimining ishi buzilganligi, yuqori va pastki ekstremitalarda bo'g'imlarning harakatlanish doirasi pasayishi bilan bog'liq nogiron bolalardagi moslashuv motorining fiziologik xususiyatlari o'rganib chiqildi.

Bunda 8 yoshdan 12 yoshgacha bo'lgan 60 bola ishtirok etdi, ular uch guruhga bo'lingan: mustaqil harakatga qodir bolalar; qo'llab-quvvatlash bilan mustaqil harakatga qodir bolalar; nogiron bolalar. Elektromiyografiya, reovasografiya va harakatni kuzatish usullari ishlatildi.

Nogiron bolalarning cheklangan bo'g'inlar harakatchanligi bilan bog'liq bo'lgan va funktsional kompensator mexanizmlariga asoslangan maxsus motor stereotipiga ega ekanligi aniqlandi. Bundan tashqari, funktsional moslashish jarayoniga bevosita ta'sir qiluvchi omillar aniqlandi:

birinchidan, motor dasturlarini qayta qurish, yurish paytida biomexanik o'zgarishlar mavjudligini qoplaydigan maxsus motorli stereotipni shakllantirish; ikkinchidan, pastki ekstremitalarning proksimal qismlarida gemodinamikaning funktsional zahirasi;

uchinchidan, motor birliklarining gipersinxronizatsiyasi paytida fleksor va ekstansor muskullarining bir vaqtda faolligi [1:95].

Shunday qilib, yuqori va pastki ekstremitalarda bo'g'imlarning cheklangan harakatchanligi, nogiron bolalarda motorli moslashishni rivojlantirish uchun maxsus motor stereotipini yaratish orqali yo'qolgan funktsiyalar uchun funktsional kompensatsiyaga qaratilgan kompensatsion mexanizmlarni faollashtirishi mumkinligi aniqlandi.

Tibbiy va fiziologik jihatlarida nogironlar hanuzgacha maxsus tibbiy yordamga muhtoj bemorlar sifatida

qaralmoqda, bu esa nogironlarni, ayniqsa bolalarning jamiyatga to'liq integratsiyasi uchun jiddiy to'siq bo'lib qoladi.

Harakat bolalarda organizmning normal shakllanishi va rivojlanishining asosiy fiziologik tarkibiy qismidir. U miya yarim korteksining barcha sohalarini rivojlantirishda, markazlararo bog'lanishlarni muvofiqlashtirishda, jismoniy va aqliy rivojlanishdagi kamchiliklarni to'g'irlash va kompensatsiya qilishda, analizator tizimlari va kognitiv jarayonlarning motorli o'zaro ta'sirini shakllantirishda faol ishtirok etadi.

Harakat - bu tanani hayotni ta'minlashning zaruriy sharti, shuningdek, uning ishlashini ta'minlash vositasi va usuli. Shuning uchun nogiron bolalarda motorli ko'nikmalarni shakllantirish moslashish jarayonining asosidir. Bunday holda, birinchi navbatda, imkoniyati cheklangan bolalarning motor moslashuvining fiziologik xususiyatlarini o'rganish asosida o'z kompensatsion mexanizmlarini safarbar etish zarur. Har qanday harakat (yurish, yugurish va h.k.) o'ziga xos motor stereotipiga ega bo'lib, u postural-tonik funktsiyalarni ta'minlagan holda ma'lum bir ketma-ketlikda amalga oshiriladigan shartsiz refleksli motor reaksiyalarining barqaror individual kompleksi bilan tavsiflanadi [2:36].

Yurish bu mushak kuchlari ta'sirini kamaytirish uchun inertsia kuchlari va reaktiv kuchlardan foydalaniladigan ballistik harakatlardan biri ekanligi ma'lum.

Yurish paytida asosiy vosita kompensatsiyasini ekstansor mushaklari guruhi bajaradi, ular umumiy massa markazini ko'taradi va oldinga siljiydi, so'ngra uning tushishini boshqaradi. Fleksor mushaklari asosan tuzatuvchi funktsiyani bajaradi, bunda individual tana segmentlarining